

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“ANOR BANK” акциядорлик жамияти

2025 йил “2” октябрдаги
Акциядорларнинг
навбатдан ташқари йиғилиши
6/2025 - сонли баённомаси

Кузатув Кенгаши Раиси




Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

2025 йил “21” Октябрь
№ 89/6

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари



**“ANOR BANK”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТНИНГ
УСТАВИГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

“ANOR BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА КЎШИМЧАЛАР М А Т Н И

52 -банд иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин ва қуйдаги тахрирда баён этилсин:

Банк дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва банкнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

Дивидендларни тўлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали акциядорнинг мавжуд банк ҳисобварағига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда автоматик равишда амалга оширилади. Бунда банк акциядордан дивидендларни тўлаш тўғрисидаги аризани талаб қилишга ҳақли эмас.

96 -банд қуйдаги тахрирда баён этилсин:

Кузатув кенгашининг йиғилишини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу Уставда кузда тутилган миқдорнинг 75 фоизидан кам бўлган тақдирда, Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек банк Бошқаруви раиснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

**“ANOR BANK” АЖ
Бошқаруви Раиси**



Ш.С. Акрамов